

СУСПЕНЗИЯЛАРНИ ҚЎЛЛАШ МЕЪЁРЛАРИ ВА МУДДАТЛАРИНИ КУЗГИ БУҒДОЙ ПОЯСИНИНГ БАЛАНДЛИГИГА ТАЪСИРИ

Азимова Мадинабону Гуламджановна

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари
илмий- тадқиқот институти қ.х.ф.ф.доктори, (DSc) докторант
Тел : (+998909830598)

Аннотация:

Ушбу мақолада типик бўз тупроқлар шароитида кузги буғдойнинг Гром навида макро ва микроэлементли ўғитлардан тайёрланган суспензияларни қўллаш меъёрлари ва муддатларини кузги буғдой поясининг баландлигига таъсири аниқланган. Нисбатан юқори кўрсаткичлар суспензиялар кузги буғдойнинг найчалаш ва бошоқлаш даврларида қўлланилганда олинган.

Калит сўзлар : кузги буғдой, суспензия, макро ва микроэлементли ўғитлар, кузги буғдой поясининг баландлиги.

Қишлоқ хўжалигининг йирик тармоғи деҳқончилик бўлиб, деҳқончиликнинг ҳам энг йирик тармоғи бу донли экинлардир. Донли экинлар тури анча кўп бўлиб, жаҳон экин майдонларининг ўртача ярмида яъни 0,7 млрд. гектарда экилади Буғдой жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида экилади ва жами донли экинлар майдонининг 1/3 қисмини ташкил қилиб келмоқда. Жаҳоннинг асосий буғдойзорлари ер шарининг шимолий ярим шарининг ўрта кенгликлари бўйлаб тарқалган. Бу кенгликларда жойлашган АҚШ, Канада, Россия, Украина, Қозоғистон, Хитой жаҳоннинг энг йирик буғдой етиштирувчи мамлакатлари ҳисобланади. Дунёнинг иккинчи буғдой минтақаси Жанубий ярим шарнинг ўрта кенгликларида. Ундаги буғдойли майдонлар Лотин Америкаси, Африка ва Австралиянинг жанубий ҳудудлари бўйлаб жойлашган. Австралия ва Аргентина давлатлари ҳам жаҳонда буғдой етиштирувчи йирик давлатлардан биридир. Аҳоли жон бошига энг кўп сифатли буғдой етиштириш ва уни экспорт қилишда Канада етакчилик қилади. Машқур Шимолий Америка прериясида жойлашган Виннипег шаҳри буғдой пойтакти ҳисобланади

Дунёда буғдой экспорт қиладиган 6 етакчи давлат бор.

Улар, Россия, Канада, АҚШ, Австралия, Украина, Европа Иттифоқи ҳисобланади. Россия буғдой экспорти бўйича дунёда 1 ўринда туради. Қишлоқ



хўжалиги Марказий Осий мамлакатлари иқтисодиётининг энг жадал ривожланаётган соҳаларидан биридир.

Қозоғистон дунёдаги энг йирик буғдой экспортларидан бири ҳисобланади, Ўзбекистоннинг ҳам қишлоқ хўжалик экинларини ишлаб чиқариш бўйича йирик базаси бор, мамлакат 2017 йилдан бери қишлоқ хўжалик маҳсулотлари экспорти тинмай ошириб келмоқда. Ўзбекистон пахтачилик ва ғаллачилик соҳасида 100 йиллик тажрибага эга. 100 йиллик илмий-тадқиқот институтларига эгадир.

Республикада фаолият юритаётган Пахта селекцияси уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий - тадқиқот институти тажриба хўжалигида кузги буғдойни, таркибида асосан азот, шунингдек макро ва микроэлементлардан таркиб топган суспензиялар билан баргидан озиклантириш бўйича 2022 йилда 15 та вариантдан иборат дала тажрибалари олиб борилди. Тажрибада кузги буғдойнинг Гром нави экилди.

Тадқиқот натижаларига кўра қўлланилган макро ва микроэлементли ўғитларни кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланишига таъсири борлиги аниқланди. Макро ва микроэлементли ўғитлар кузги буғдойнинг ривожланиш фазалари бўйича яъни туплаш, найчалаш ва бошоқлаш давлари бўйича қўлланилди. Шунга кўра назорат вариантимида ўсимликни бўйи туплаш даврида 18,03 смни, найчалаш даврида 30,68 смни, бошоқлаш даврида 65,02 смни, мум пишиш даврида 79,1 смни ва амал даври охирида эса 81,1 смни ташкил этди. Кузги буғдойга карбамидни (3-вар) 6,0 кг/га; 8,0 кг/га ва 10 л/га суспензиясини қўллаган вариантимида ўсимлик бўйи туплашда 18,19 см, найчалашда 31,46 см, бошоқлашда 65,35 см, сут мум пишишда 83,0 см ва амал даври охирида 85,1 смни ташкил этди.

Кузги буғдойга IFO UAN 32 суспензиясини (6-вар) 3,0 л/га; 3,5 л/га ва 4,0 л/га меъёрида қўллаган вариантимида ўсимлик бўйи туплашда 18,31 см, найчалашда 30,35 см, бошоқлашда 65,83 см, сут мум пишишда 78,7 см ва амал даври охирида 85,0 смни ташкил этди.

Кузги буғдойга IFO COMBI Fe суспензиясини (9-вар) 3,5 л/га; 4,0 л/га ва 4,5 л/га меъёрида қўллаган вариантимида ўсимлик бўйи туплашда 18,29 см, найчалашда 30,78 см, бошоқлашда 65,53 см, сут мум пишишда 80,6 см ва амал даври охирида 87,8 смни ташкил этди.

Ўсимликка IFO MACROMIX суспензиясини (12-вар) 3,0 л/га; 3,5 л/га ва 4,0 л/га меъёрида қўллаган вариантимида ўсимлик бўйи туплашда 18,51 см, найчалашда 30,68 см, бошоқлашда 65,73 см, сут мум пишишда 81,5 см ва



амал даври охирида 89,5 смни ташкил этди ва назоратга нисбатан мос равишда 0,78; 0,33;3,9 ва 4,0см юқори бўлганлиги маълум бўлди.

Ўсимликка AMINOCAL суспензиясини(15-вар) 4,0 л/га; 4,5 л/га ва 5,0 л/га қўллаган вариантимида ўсимлик бўйи туплашда 18,14см, найчалашда 30,11 см, бошоқлашда 66,04 см, сут мум пишишда 82,0 см ва амал даври охирида 86,0 смни ташкил этди.

Таъкидлаш жоизки, кузги буғдойга қўллаган маъдан ўғитларимиздан назоратга ва олинган турли меъёрларига нисбатан карбамидни(3-вар) 6,0;8,0;10,0 кг/га меъёри, IFO UAN 32 ни (6-вар) 3,0; 3,5;4,0л/га, IFOCOMBI Fe ни(9-вар) 3,5;4,0;4,5л/га меъёри, IFOMACROMIXни(12-вар) 3,0;3,5;4,0л/га меъёри, AMINOCAL суспензиясини (15-вар) 4,0; 4,5 ва 5,0 л/га меъёрларини самараси бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлганлиги аниқланди.

Ўтказилган дала тажрибасидан олинган маълумотлар шуни кўрсатдики, кузги буғдойга қўлланилган карбамиддан тайёрланган суспензияга нисбатан таркибида макро ва микроэлементлари бўлган азотли суюқ ўғитлар самараси қорироқ бўлганлиги аниқланган.

Азимова М.Ғ., қ.х.ф.ф.доктори (ПСУЕАИТИ)

Адабиётлар

1. А. Аманов ва О. Аманов. Кузги бошоқли дон экинларини барг орқали озиклантириш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги №5 2016.й. 35 б.
2. Ермаков А.И., Сичкаръ Н.М., Айзина М.И. Применение минеральных веществ для внекорневого питания некоторых зерновых, масличных и овощных культур. Внекорневая подкормка с.-х. растений. Сельхозгиз, 1955. 17 с.
3. Р.Сиддиқов ,Ф.Асронов .Ғалла ривожини жадаллаштириш учун нима қилиш керак? Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги №4 2018. й .6-7 бетлар.
4. Д.Холдаров, Д.Шодиев.Микроэлементларга бойитилган минерал ўғитларнинг ҳосилдорликни ошириш ва сифатини яхшилашдаги аҳамияти. Республика илмий ва илмий-техник анжумани материаллари.Фарғона 2017 йил 20-21 апрель 388-390 б.

